

## Шайх Абдуллоҳ Маъруфий ҳафизаҳуллоҳ юртимизга ташриф буюрди



16:16 / 08.11.2019 2006

### **Ҳадисшунос: Шайх Абдуллоҳ Маъруфий ҳафизаҳуллоҳ ҳақида**

Ҳадис устози, аллома, муҳаддис, танқидчи шайх муфтий Абдуллоҳ ибн Умар Башир Маъруфий ал-Аъзомий ал-Ҳиндий ҳадис илмлари ва рижол исмлари бўйича муттақин уламоларидан бири бўлиб, ҳозирги кунда Дорул Улум Девбанд университетининг ҳадис устозидирлар.

Ҳижрий 1386 йилда Ҳиндистоннинг Утра-Прадеш вилоятидаги Пура-Маъруф шаҳрида таваллуд топдилар. Бошланғич маълумотни қишлоқларидаги «Ишаъатил Улум» мадрасасида олганлар. Сўнгра «Сарай мир» даги «Ислоҳ мадрасаси»га, «Аъзам Жарра» мудирийясига ўқишга кирганлар. Ҳижрий 1406-йилда Дорул Улум Девбанд университетини тамомлаганлар. Шундан кейин ҳижрий 1407 йилда ўша университетнинг фикҳ ва фатвога ихтисослашган бўлимини ҳам битирдилар.

Дорул Улумни битирганларидан сўнг 8 йил давомида «Панараси» ислом университетида устоз бўлиб ишладилар. Ҳижрий 1415-йилда эса Ҳиндистоннинг «Мазоҳир Улум Саҳанвор»да ҳадис ихтисослиги бўлимига ёрдамчи устоз этиб тайинландилар. «Мазоҳир Улум»да дарс бериш давомида буюк муҳаддис, танқидчи, заковат соҳиби, Ҳиндистоннинг Мазоҳир Улум Саҳанвор Университетида ҳадиси шариф ихтисослиги бўлими бошлиғи ва ҳадис устози аллома Зайнул Обидийн ал-Аъзомий

(ҳижрий 1435-йилда вафот этган)дан ажралмас эдилар. Кетма-кет 5 йил ишладилар, кейин ҳижрий 1421-йилда Дорул Улум Девбанд университетиде ҳадиси шарифга ихтисослашган бўлимида устозлик мансабини эгалладилар.

### **Таълифотлари:**

Шайх Маъруфий ҳадис илмида бир қанча китоблар таълиф қилганлар. Бу эса у кишини ҳадис илмида маҳоратли эканликларига далолат қилади. Ҳазратнинг тасниф этган китоблари қуйидагилардир.

- 1. «Ал-Аърфу аз-закий шарҳу жамиъ ат-Термизий».
- Мазкур китобнинг 5 жилди босиб чиқарилган бўлиб, ярмидан кўпроғи рўза бобига оид маълумотларни ўз ичига олади. Шарҳи мукамал бўлиб, имом Кашмирийнинг ҳадис таълимидаги фикр ва райлариининг енгилликларини, ҳамда Термизий аҳкомларини ҳадисларга татбиқ этишларини ўз ичига олади.
- 2. «Таҳзибу ад-дурр ал-мунаддад фи шарҳ ал-адаб ал-муфрад».
- Тўрт жилдли Имом Бухорий раҳимахуллоҳнинг асарига ёзилган.
- 3. «Муқоддима ад-дурр ал-мунаддад».
- Ушбу китоб иснодий таълимда ўртача даражага олиб чиқадиган мустақил китобдир. Шунингдек, тадқиқ қилувчига кишилар устида ҳукм чиқариш борасида мўътадил ва осон услубни тақдим қилади.
- 4. «Ҳадеес аур феҳм е ҳадеес».
- Санад ва матн жиҳатидан ҳадисни тушуниш, ҳамда ўрганиш осонлаштирилган урду тилидаги усулий бебаҳо китобдир.
- 5. «Мажмуъату фодоилул аъмал ва истироду ли шубухати ан-нақидийн алайҳа».
- Мазкур китоб урду тилида ёзилган бўлиб, араб, инглиз, бенгал ва бошқа тилларга таржима қилинган.
- 6. «Ғойру муқоллидий асбаб ва тадарик».

Шайх Маъруфий ҳадис илмлари ва муҳаддисларнинг таржималари бўйича кўплаб рисоалар ҳамда бебаҳо маърузалар соҳибидирлар. Беназир, ҳадисга оид бўлган буюк энциклопедияни ҳозирлашда раҳбарлик қилишлари у кишининг фазилатларини эътироф этиш учун етарлидир. Жумладан:

- 1. Термизийнинг жомеъсидаги «Ҳасан саҳиҳ» ҳадисларни ўқиш ва татбиқ қилиш.

- 2. Термизийнинг жомеъсидаги «Ҳасан саҳиҳ ғариб» ҳадисларни ўқиш ва татбиқ қилиш.
- 3. Термизий жомеъсидаги «Ҳасан ҳадис»ни ўқиш ва татбиқ қилиш.

Шайх Абдуллоҳ Маъруфий ҳозирги кунда Дорул Улум Девбанд университетининг Набавий ҳадиси шариф ихтисослиги бўлимида мудир ва ҳадис устозидирлар. У киши турли ҳил фанларга оид бир қанча китоблардан ҳам дарс берадилар. Жумладан:

- 1. «Ал-Ҳидоя» Марғинонийнинг қаламига мансуб.
- 2. «Ал-Мунтаҳобул Ҳусамий» Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Умар ал-Ахсикатий қаламига мансуб.
- 3. «Мишкотул масобих» ал-Хотиб ат-Табризий қаламига мансуб.
- 4. «Маърифату анваъи илмил ҳадис» ал-Ҳофиз ибн Салоҳ қаламига мансуб бўлиб, китоб «Муқоддимату ибн Солаҳ» номи билан танилган.
- 5. «Нузҳатун назорий фи шарҳи нухбатил фикри» Ҳофиз ибн Ҳажар ал-Асқалоний қаламига мансуб.
- 6. «Муқоддимату аш-Шайх Абдулҳақ ад-Дихлавий фи усулил ҳадис».
- 7. «Диросату ал-ҳадис ас-саҳиҳ вал ҳасан» Баҳрул Улум шайх Неъматуллоҳ Аъзамий ҳафизаҳуллоҳ қаламига мансуб.
- 8. «Диросату татбиқил амсилати ли анваъил аҳадисил мухталифа» Баҳрул Улум Неъматуллоҳ Аъзамий ва шайх Маъруфий биргаликда тайёрлаганлар.

Бундан ташқари бошқа ҳадис китобларидан ҳам таълим берадилар.

***Islom.uz портали***